




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

9 (71) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (71)

2024

сентябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616.314-084-616-093/-098

ФЕРТИЛ ЁШДАГИ АЁЛЛАР СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ УСЛУБЛАРИ

Курязов А.К. <https://orcid.org/0009-0006-4561-2256>

Бадритдинова М.Н. Email: BadriddinovaM@mail.ru

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,
Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz
Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Aholi orasida stomatologik salomatlikni muhofaza qilish bugungi kunda davr talabi hisoblanadi, chunki keltirayotgan tibbiy-ijtimoiy va iqtisodiy zarari hisobiga stomatologik kasalliklar yetakchi o'rinlardan birini egallaydi. Ushbu kasalliklarni davolashdan ko'ra ularni oldini olish tibbiy, ijtimoiy va iqtisodiy ahamiyatga ega bo'lib, bugungi kunda stomatologik kasalliklar birlamchi va ikkilamchi profilaktikasiga jiddiy e'tibor qaratilmoqda. Profilaktik tadbirlar aholining sezgir qatlamlari - bolalar, homiladorlar, keksa va qariyфalar, shuningdek, turli ishlab chiqarish korxonalarida band bo'lganlar uchun ishlab chiqarilgan bo'lib, ma'lum samaraga egaligi ko'rsatib berilgan.

Калит сўзлар: Фертил ёшдаги аёллар, профилактик тадбирлар, стоматологик касалликлар бирламчи ва иккиламчи профилактикаси.

МЕТОДЫ ПРОФИЛАКТИКИ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ЖЕНЩИН ФЕРТИЛЬНОГО ВОЗРАСТА

Курязов А.К. <https://orcid.org/0009-0006-4561-2256>

Бадритдинова М.Н. Email: BadriddinovaM@mail.ru

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область,
город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ Резюме

Охрана стоматологического здоровья среди населения сегодня является востребованной темой, поскольку стоматологические заболевания занимают одно из ведущих мест за счет причиняемого ими медико-социального и экономического ущерба. Профилактика этих заболеваний, а не их лечение, имеет медицинское, социальное и экономическое значение, и сегодня основное внимание уделяется первичной и вторичной профилактике стоматологических заболеваний. Профилактические мероприятия разрабатываются для уязвимых слоев населения - детей, беременных, пожилых и престарелых, а также занятых на различных производственных предприятиях, показаны обладающие определенным эффектом.

Ключевые слова: женщины фертильного возраста, профилактические мероприятия, первичная и вторичная профилактика стоматологических заболеваний.

METHODS OF PREVENTION OF DENTAL DISEASES IN WOMEN OF FERTILE AGE

Kuryazov A.K. <https://orcid.org/0009-0006-4561-2256>

Badritdinova M.N. Email: BadriddinovaM@mail.ru

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city,
Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz
Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ **Resume**

The protection of dental health among the population is a popular topic today, since dental diseases occupy one of the leading places due to the medical, social and economic damage they cause. The prevention of these diseases, rather than their treatment, is of medical, social and economic importance, and today the focus is on primary and secondary prevention of dental diseases. Preventive measures are being developed for vulnerable segments of the population - children, pregnant women, the elderly and the elderly, as well as those employed in various industrial enterprises, which are shown to have a certain effect.

Keywords: *women of fertile age, preventive measures, primary and secondary prevention of dental diseases.*

Долзарблғи

С томатологик касалликлар профилактикаси аҳоли учун ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган бўлса ҳам, фертил ёшдаги, репродуктив фаолиятга эга аёллар учун алоҳида профилактик дастурларини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб муаммолардан биридири. Шунингдек, ушбу профилактик тадбирлар самарадорлигини баҳолаш, унинг асосида такомиллаштириш механизмлари мавжуд эмас. Фертил ёшдаги аёллар турар жойи, турмуш тарзи, ёши, стоматологик хизмат кўрсатиш, унинг сифати ва самарадорлигини баҳолашга концептуал ёндошиб, профилактик тадбирларни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш концепцияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, концептуал ёндашув бу тадқиқот концепциясини олдиндан ишлаб чиқиш жараёнини ўз ичига олади. Бунда таянч дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилиб, улар умумий йўналиш ва кетма-кетлик асосида бажарилади, олинадиган натижалар аниқланиб, иштирок этувчи ҳар бир бўғиннинг ушбу жараёндаги ўрни аниқ белгиланади, бажариладиган ишлар ҳамда уларнинг самарадорлиги олдиндан ҳисоблаб, тадбирлар ўтказиш учун тавсия этилади. Бу ҳолат фертил ёшдаги аёллар орасида стоматологик касалликлар бирламчи ва иккиламчи профилактикасини ўтказиш учун ҳам муҳим ҳисобланади [1.3].

Тадқиқотнинг мақсади: Фертил ёшдаги аёлларда стоматологик касалликлар профилактикасини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Материал ва усуллар

Боғот тумани - Хоразм вилоятининг жануби-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Ғарб ва шимолда вилоятнинг Янгиариқ ва Хонқа туманлари билан, Амударё билан, шарқда Хозарасп тумани ва жанубда Туркменистон билан чегарадош Боғот туманида 11та қишлоқ фуқаролар йиғини Бешариқ, Боғот, Деҳқонбозор, Маданият, Найман, Хитой, Хўжалик, Қизилравот, Қипчоқ, Қораёнтоқ, Кулонқаробог бор, маркази Боғот шаҳарчаси майдони 443 км², аҳолиси 172573 киши, шулардан болалар 0-14 ёшдагилар 51056 та, 15-17 ёшдагилар 8017 та, аёллар 87051та кишидан иборат. Ушбу аёлларнинг 45882 та нафари текшириш мобайнида фертил ёшдаги аёллар бўлиб, бу барча аёлларнинг 52%ини ташкил этди. Туман типик қишлоқ тумани бўлиб, аграр соҳага мослашган. Тадқиқотлар Боғот тумани Бешариқ қишлоғига қарашли Нурафшон ва Ашхобод маҳалла фуқаролар йиғинларига қарашли қишлоқларида доимий яшовчи фертил ёшдаги аёллар орасида ўтказилди.

Натижа ва таҳлиллар

Фертил ёшдаги аёллар орасида стоматологик касалликлар профилактикасига концептуал ёндошиб, унинг концепцияси тавсия этилган тадқиқотлар жуда кам, асосан тадбирлар номлари санаб кетилиб, унга риоя қилинса ёки риоя қилинмаса қандай ҳолатга дуч келиниши бўйича маълумотлар келтирилмаган. Тавсия этилган профилактик тадбирлар ва уларнинг натижалари орасидаги сабаб-оқибатли боғлиқликлар аниқланмаган.

Ишлаб чиқилган концепция мақсадига эришиш бўйича ҳаракатлар тизими ишлаб чиқилиб, унга тадқиқот методологияси, кетма-кетлиги, тактик ва стратегик мақсад, унга эришиш йўллари, тавсия этилган тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш йўллари киритилади. Ушбу яратилган ҳаракатлар тизими кўзда тутилган нуқтаи-назарни амалга ошириш имконини яратади. Ушбу тизим ҳодисани ечиш муаммосини шакллантириш, очиш ва бу жараёни бошқаришни ўз ичига олади. Шундай ҳолатдагина фертил ёшдаги аёллар орасида стоматологик касалликлар

профилактикасини ишлаб чиқиш концепциясини яратиш мумкин бўлади. Унда нафақат ушбу концепция моҳияти, балки уни амалга оширишда унга таъсир қиладиган ташқи омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Профилактика (грекча - “олдини олиш”) бу юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш ва уларга олиб келувчи хавф омилларини бартараф қилишга йўналтирилган тиббий, санитар-техник, гигиеник, педагогик ва ижтимоий-иқтисодий тадбирлар комплекси. Профилактика кенг маънодаги сўз бўлиб, тиббиётда касалликларнинг олдини олиш, касаллик мавжуд бўлса асоратларини олдини олиш, агар асорат ривожланган бўлса, ушбу беморларни реабилитация қилишдир [5.7.9.11.13].

Агар бу ифодадан келиб чиқадиган бўлсак, тиббиётда турли патологик ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга олиб келувчи хавф омилларини бартараф қилиш биргаликда амалга оширилсагина самарали бўлади. Бугунги кунда мавжуд кўплаб профилактик тадбирларнинг асосий камчилик томонлари айни хавф омилларининг ҳисобга олинмаганидир. Умумий ва индивидуал профилактикада касалликларнинг келиб чиқишига олиб келувчи сабаблар ҳисобга олинган, аммо шу сабабларга олиб келувчи хавф омиллари ҳисобга олинмаган, шу сабабли ҳам ўтказилган профилактик тадбирларнинг ушбу таъсири давомли бўлмагани талқин ва таҳлиллар орқали аниқланган. Худди шундай ҳолат стоматологик касалликларга ҳам таалукли бўлган.

Шуни эътиборга олиш лозимки, кўпчилик профилактик тадбирлар профилактиканинг таркибий қисмлари ҳисобга олинмаган ҳолда тузилган, шу сабабли уларни амалга ошириш механизмлари, уларни бажарувчи бўғинлар вазифалари аниқ келтирилмаган, шу сабабли профилактик тадбирлар тўлиқ ўтказилмаган, самарадорлиги паст бўлган, тадбирлар охирига етказилмай қолган. Ушбу ноаниқликлар давом этмаслиги сабабли уларни қисқача тавсифлаган ҳолда таҳлилни давом эттиришни лозим топдик.

Маълумки, тиббиётда профилактика бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикага бўлинади.

Бирламчи профилактика бу юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар ривожланиши ҳамда унга олиб келувчи хавф омиллари келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар тизимидир. Бугунги кунда унга қуйидагилар киритилади: эмлаш, меҳнат ва дам олишнинг рационал ташкил этилганлиги, рационал ва сифатли овқатланиш, жисмоний фаоллик, ташқи муҳитни муҳофаза қилиш. Ушбу умумий тадбирлар қаторига стоматологик саломатликни муҳофаза қилиш бўйича умумий тадбирлар ҳам тавсия этилади. Аммо, фертил ёшдаги аёллар учун уларнинг ёши, турар жойи, турмуш тарзи, ҳомиладорлик, эмизикли давр, ҳомиладорликдан ташқари даврнинг кетма-кет келиши, улар билан боғлиқ физиологик, патология олди ҳолатлари ҳисобга олиниб ишлаб чиқилган профилактик тадбирлар йўқ. Шу сабабли стоматологик касалликлар профилактикасини фертил ёшдаги аёллар орасида ўтказиш учун концептуал ёндошган ҳолда профилактик тадбирлар концентрациясини яратишда ҳисобга олиниши лозим [2.4.6.8.10.12.14.16.18].

Иккиламчи профилактика бу юзага келган патологик ҳолатлар, шунингдек касаллик рецидиви, кучайишга олиб келувчи хавф омилларини бартараф этишга қаратилган тадбирлар тизимидир. Иккиламчи профилактиканинг энг самарали усули бугунги кунгача ҳам қўлланиб келинаётган диспансеризациядир. Оптимал диспансеризация бу ҳозирда амалга оширилаётган акушер-гинекологлар ва стоматологларнинг ҳамкорлигидир. Лекин диспансеризацияда асосан ҳомиладорлик даврига тўғри келиб, эмизикли давр ва аёлнинг ҳомиладор бўлмаган даври амалий жиҳатдан ҳисобга олинмаган. Тавсия этилаётган концепцияда шу жиҳат ҳам ҳисобга олинган. Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини зўриқишга тушмаслиги учун биринчидан, ҳомиладор бўлмаган аёллар учун бир йилда бир марта, эмизикли аёллар учун бир йилда икки марта стоматологик мониторинг ўтказиш тавсия этилади, иккинчидан, ушбу мониторинг натижалари олдинги ҳулосалар билан солиштирилган ҳолда мониторинг динамикаси бўйича таҳлил қилинган ҳолда кейинги тавсиялар берилиши мақсадга мувофиқ, учинчидан, бунинг учун фертил ёшдаги аёллар стоматологик саломатлигини муҳофаза қилишнинг ягона электрон реестри ташкил этилиши тавсия қилинади. Ушбу реестрдаги маълумотлар асосида аниқ индивидуал тавсиялар берилиши лозим. Аёл ҳомиладор бўлгандан бошлаб олиб борилган диспансеризация натижаларидан уни амалга оширган стоматолог оғиз бўшлиғи ҳолати тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлган ҳолда конкрет тавсиялар бера олади [15.17.19.21.23.25.27.29.31].

Учламчи профилактика бу тўлиқ ҳаёт фаолиятини йўқотган беморлар реабилитациясига бағишланган тадбирлар тизими. Бундай ҳолат фертил ёшдаги аёллар (18-49 ёш) стоматологик саломатлиги билан боғлиқ бўлмаганлиги сабабли профилактик тадбирлар концепциясига кирилмаслик тавсияси берилди.

Аҳоли орасидаги юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси 3 та асосий ҳолатдан иборат бўлади:

- патология олди ва патологик ҳолатни эрта аниқлаш;
- саломатликка салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ички ва ташқи хавф омилларини бартараф этиш ёки улар таъсирини минималлаштириш;
- соғлом турмуш тарзини шакллантириш.

Айтиб ўтиш жоизки, стоматологик саломатликни муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш концепциясида ҳам шу учала ҳолатни киритиш тавсия этилади, чунки улар бутун организм ҳолатини ҳисобга олган ҳолда берилган.

Юқумли бўлмаган касалликларнинг вужудга келишига макон яратувчи асосий хавф омиллари қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

- ижтимоий хавф омиллари (рационал бўлмаган овқатланиш, тамаки, носвой чекиш, алкогольли ичимликлар ичиш, гиподинамия, паст ижтимоий ва билим даражаси, тиббий ва санитар маданиятнинг етарли эмаслиги);
- биологик хавф омиллари (одам организми билан боғлиқ гипертензия, гиперинсулинэмия, дислипидэмия, гипергликемия, гиперурикемия, тромбоген омиллар ва бошқалар);
- экологик хавф омиллари (сув, ҳаво ва тупроқ ифлосланиши).

Аммо, фертил ёшдаги аёллар стоматологик саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича профилактика концепциясида асосан биологик ва экологик хавф омилларининг киритилиши тавсия қилинди, чунки ижтимоий омиллар минтақамиз ва аёлларимиз минтақаларига мос эмас.

Стоматологик касалликларнинг олдини олиш учун фертил ёшдаги аёллар орасида ўтказиладиган профилактик тадбирлар тузиш концепцияси доирасида “Фертил ёшдаги аёллар орасида стоматологик касалликлар бирламчи профилактикаси самарадорлигини баҳолаш дастури” яратилди. Стоматологик патологиялар олдини олиш учун бирламчи профилактикани режалаштириш, ишлаб чиқиш ва ўтказиш қийинчилик туғдирмаса ҳамки, улар самарадорлигини аниқлаш мушкул, шунингдек, шундай методикалар ҳозирги кунда мавжуд эмас. Шу сабабли ЭҲМ учун дастур яратилиб (гувоҳнома № DGU 34352, 01.03.2024 йилдан), электрон ҳолатда самарадорликни ҳисоблаш йўлга қўйилди, унинг амалиётда қўлланилиши айни пайтдаги стоматологик тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда уларни коррекция қилиш, самарасиз тадбирларни тўхтатиб, самаралисини давом эттириш бўйича қарор қабул қилиш имконини яратади [20.22.24.26.30.31.32].

Бунинг учун фертил ёшдаги аёлларнинг ёши ва турар жойига қараб стоматологик статуси, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, пародонт тўқималари ҳолати, оғиз бўшлиғи функционал ҳолатини тавсифловчи пародонтал ва гигиеник индекслар кўрсаткичлари ҳисобланиб, ЭҲМ га киритилади ҳамда тавсия этилган дастур асосида табақалаштирилган ҳолда самарадорлиги ҳисобланади. Ушбу дастурдан фойдаланиш бўйича олинган натижалар асосида бирламчи профилактика тадбирлари, уни ўтказиш босқичларига ўзгартиришлар киритилиб, самаранинг юқори бўлишига эришилади.

Хулоса

Фертил ёшдаги аёллар орасида стоматологик саломатликни муҳофаза қилиш мақсадида стоматологик касалликлар олдини олиш концепцияси тавсия қилинди ва унда қуйидаги келтирилган жиҳатлар ҳисобга олинди.

Ушбу концепцияга асос бўлган жиҳатлар:

1. Фертил ёшдаги аёллар учун турли стоматологик касалликлар профилактикаси концепциясини яратишда уларнинг ҳомиладор бўлган, бўлмаган ва эмизикли даврлари, стоматологик патологияга олиб келувчи асосий хавф омиллари ҳисобга олинishi лозим.

2. Стоматологик касалликлар профилактикаси самарадорлигининг доимий мониторингини олиб бориш, ушбу мониторинг натижаларини талқин ва таҳлил қилиб бориш ушбу концепция учун зарурий шартлардан биридир.

3. Концепцияни яратишда унинг мақсади, методологияси, кетма-кетлиги, йўналтирилганлиги, стратегик, тактик мақсадлар ва уларга эришиш йўллари аниқ кўрсатилиши ҳаракатлар тизими яратилиши, бажаришни таъминловчи бўғинлар аниқ белгиланиши керак.

4. Стоматологик касалликлар профилактикаси концепцияси ўз ичига ҳомиладор бўлмаган, ҳомиладорлик ва эмизикли даврлар билан бир қаторда улар ёши, айниқса улар турар жойини (қишлоқ ва шаҳар) ҳам олиши лозим. Турар жой ўрганилаётган фертил ёшдаги аёллар турмуш тарзи, тиббий маданияти даражаси, ўқимишлилик ҳолатини белгилайди, бу эса белгиланган стоматологик касалликлар профилактикаси самарасини ифодалайди.

5. Стоматологик касалликлар профилактикаси концепциясида тишларни олиб ташлашдан кўра даволаш зарурлиги, ортопедик ва ортодонтик хизматнинг аҳолига яқин бўлиши, стоматологик хизматнинг қишлоқ ва шаҳарда яшайдиган фертил ёшдаги аёллар учун бир хилда бўлиши тўлиқ ақс эттирилиши шарт.

6. Юқумли бўлмаган касалликлар иккиламчи профилактикасининг самарали усули бўлган диспансеризация билан нафақат ҳомиладорлар, балки ҳомиладор бўлмаган ва эмизикли аёллар ҳам қамраб олиниши лозим. Стоматологик мониторинг ҳомиладор бўлмаганлар учун бир йилда бир марта, эмизикли аёллар учун бир йилда икки марта ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Шунда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида бўлган стоматологлар учун ҳам зўриқиш бўлмаслиги таъминланади, натижаларни динамикада кузатиб бориш мақсадида фертил ёшдаги аёллар стоматологик саломатлигини муҳофаза қилишнинг ягона электрон тизими, реестри яратилиши тавсия қилинаётган концепцияга киритилган.

7. Тавсия этилаётган - фертил ёшдаги аёллар орасида стоматологик касалликлар профилактикаси концепциясида ушбу патологияларнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси ҳисобга олиниши лозим, учамчи профилактика концепцияда тилга олинмаган, чунки бу ёш (18-49 ёш) категориясидагиларда унга мос ўзгаришлар кам учрайди.

8. Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикасига тааллуқли учта асосий ҳолат - эрта аниқлаш, ташқи ва ички хавф омиллари таъсирини бартараф этиш ёки минималлаштириш, соғлом турмуш тарзи ушбу концепцияга кирилиши муҳим аҳамият касб этган.

9. Юқумли бўлмаган касалликлар асосий хавф омиллари гуруҳларидан биологик ва экологик хавф омиллари ушбу концентрацияни яратишда ҳисобга олиниб, аҳоли минталитетидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий хавф омиллари ҳисобга олинмаслиги ҳам мумкинлиги кўрсатиб берилган.

10. Ушбу концепция самарасини аниқлаш ва баҳолаб бориш учун “Фертил ёшдаги аёллар орасида стоматологик касалликлар бирламчи профилактикаси самарадорлигини баҳолаш дастури” дан фойдаланиш тавсия этилади. Фертил ёшдаги аёллар стоматологик саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича концептуал ёндошувга асосланган стоматологик саломатликни сақлаш бўйича стоматологик касалликлар профилактикаси концепцияси ушбу аёллар турар жойи (қишлоқ, шаҳар) ва ёшини (19-28 ёш, 29-39 ёш, 39-49 ёш) ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқлиги исботланган стоматологик касалликлар профилактикасини мукамаллаштиришнинг концепцияси стоматологик амалиётга жорий этиш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Курязов А.К. Распространенность и интенсивность кариеса зубов среди беременных, проживающих в различных экологических условиях Узбекистана //Проблемы биологии и медицины. - Самарканд, 2010;3:99-102 (14.00.00; №19).
2. Курязов А.К., Суванов К.Ж., Рузметов У.А. Особенности профилакти-ки стоматологических заболеваний у беременных в условиях экологическо-го неблагополучия. //Проблемы биологии и медицины. - Самарканд, 2010;3:42-45 (14.00.00; №19).
3. Курязов А.К., Суванов К.Ж., Нуралиев Н.А. Сравнительное изучение факторов местного иммунитета ротовой полости у беременных женщин. //Журнал теоретической и клинической медицины. – Ташкент. 2010;5:86-89 (14.00.00 ; №3).
4. Курязов А.К., Суванов К.Ж. Распространенность болезней пародонта и слизистой оболочки полости рта среди беременных, проживающих в различных экологических условиях //Бюллетень ассоциации врачей Узбекистана. – Ташкент, 2011;1:78-82 (14.00.00; №17).



5. Kuryazov A.K., Nuraliyev N.A. Condition of non-specific protection factors of oral cavity among pregnant women //European journal of natural history. 2012;8:4-5 (Scopus).
6. Suvonov K.J., Adilov U.X., Kuryazov.A.K. Prevalence and risk factors of dental diseases in pregnant women living in different regions of Uzbekistan //Europen Journal of Molecular Clinical Medicine. 2020;7(2):2864-2870 (Scopus).
7. Gafforov S.A., Berdiyeva S.G., Kuryazov.A.K. Interdisciplinary Interaction Issues in Orthodontics //International Journal of Trend in Scientific Research and Development(IJTSRD) Medicine. 2021; P 25-28 (IF- 7.445).
8. Курыззов А.К. Тишларнинг понасимон нуксони билан касалланган беморларда стоматологик текширув курсаткичлари //Тиббиётда янги кун.-Тошкент, 2023;6(56):377-381 б (14.00.00; №22).
9. Курыззов А.К., Олимов С.Ш. Фертил ёшидаги аёллар орасида стоматологик касалликлар аниқланиш даражаси //Тиббиёт ва инновациялар. -Тошкент, 2023;3(11):350-366. (ОАК раёсатининг 2021 йил 30 апрелдаги 296/5-сонли қарори).
10. Курыззов А.К., Олимов С.Ш. Фертил ёшидаги аёлларда касби ва ёшига боғлиқ соматик саломатлигини баҳолаш натижалари //Тиббиётда янги кун. - Тошкент, 2023;10(60):866-871. (14.00.00; №22).
11. Kuryazov A.K., Olimov S.Sh. The prevalence of diseases among women of fertility age. //Journal of Advanced Zoology. 2023;44(2):2394-2406 (Scopus).
12. Курыззов А.К., Олимов С.Ш. Показатели ортопедического статуса женщин фертильного возраста //Stomatologiya. - Тошкент, 2023;4(93):31-38. (14.00.00; №12).
13. Курыззов А.К., Олимов С.Ш. Особенности возрастных изменений ортопедического статуса у женщин фертильного возраста, живущих в городской и сельской местностях //Тиббиёт ва инновациялар. - Тошкент, 2023;4(12):335-346 б. (ОАК раёсатининг 2021 йил 30 апрелдаги 296/5-сонли қарори).
14. Курыззов А.К., Олимов С.Ш. Фертил ёшидаги аёлларда ортопедик статусни ёшга боғлиқ ҳолда ўзгаришларининг хусусиятлари //Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия. 2024;3/1(6):161-169. (ОАК раёсатининг 2022 йилдаги 296/5-сонли қарори).
15. Курыззов А.К. Способ определения клеточного состава ротовой жидкости у больных стоматологическими заболеваниями. (рақ.предложение № 46. 16.02.2010 г).
16. Курыззов А.К., Рузметов У.А., Юлдошев Н.Б. Новые подходы к био-и иммунокоррекции стоматологических заболеваний беременных. //Материалы международная научно-практическая конференция «Актуальные проблемы акушерства и гинекологии» - Ургенч, 2011; С.58
17. Курыззов А.К., Рузметов У.А., Нуралиева Х.О. Разработки и апробация метода первичной профилактики стоматологических заболеваний у беременных женщин. //Материалы международная научно-практическая конференция «Актуальные проблемы акушерства и гинекологии» Ургенч, 2011; С.59.
18. Курыззов А.К., Особенности определения и оценки местного иммунитета ротовой полости у беременных. //Материалы международная научно-практическая конференция «Актуальные проблемы акушерства и гинекологии» - Ургенч, 2011; С.60.
19. Курыззов А.К., Рустамова Х.Е. Показатели заболеваемости кариесом зубов у беременных //Уральский медицинский журнал Россия, 2012;1(93):64-67.
20. Курыззов А.К., Ирсалиев Х.И., Рузметов У.А. Оценка антибактериальной активности неспецифических факторов защиты ротовой полости у беременных. //V-съезд микробиологов Узбекистана Ташкент 2012; С.117.
21. Kuriyazov A.K., Nuraliyev N.A. Condition of non-specific protection factors of oral cavity among pregnant women //European journal of natural history 2012;5:4-5.
22. Kuryazov A.K. Indicators of nonspecific factors resistance of mouth cavity during pregnancy. //Federation of Clinical Immunology Societies 13th Annual Meeting Boston, Massachusetts June 2013; 27-30, Meeting Abstract .P 35-38.
23. Kuryazov. A.K. Comparative characteristics of the basic nonspecific factors of immunity of mouth cavity in pregnant women. //RS Global International Trends in Science and Technology.-Warsaw Poland. 2018;3:42-44.

24. Курыззов А.К., Собиров Ю.А., Курыззов Ш.А. Ҳар хил экологик-географик минтакаларда яшовчи ҳомиладор аёллар оғиз бўшлиғи маҳаллий иммунитет омиллари хусусиятлари. //Материалы. Abu Ali ibn Sino (Avicenna) Human health and ecology November 11th, 2020; P.250-252.
25. Курыззов А.К., Курыззов Ш.А. Новые подходы к био- и иммунокоррекции стоматологических заболеваний беременных. //Материалы. Abu Ali ibn Sino (Avicenna) Human health and ecology November 11th, 2020; P.252-253.
26. Курыззов А.К., Курыззов Ш.А. Оценки антибактериальной активности неспецифических факторов защиты ротовой полости у беременных //Материалы международная научно-практическая конференция “Актуальные проблемы Морфологии в связи с пандемией Covid-19. Ургенч. 2021; с. 78-80.
27. Kazakova N.N., Kuryazov A.K., Sobirov A.A. Deep caries on milk teeth and permanent teeth of Fresh origin using the ipc method of Treatment. //4th Global Congress on Contemporary Sciences Advancements Italiya . 30” April, 2021; P.186-188
28. Бабаджанов Р.А. Курыззов А.К. Бабаджанова О.А. Новый подход к лечению хронического генерализованного катарального гингивита. //Материалы международной научно-практической конференции, посвященной памяти ученого С. Э. Кубаева. //Журнал Стоматологии и краниофациальных исследований Самарканд. 2022; С. 341-343.
29. Абдуллаев Ш.Р. Собиров Ю.А. Курыззов А.К. Анализ клинико-лабораторный метод оценки эффективности диагностики и лечения у больных с хроническими рецидивирующими афтозными стоматитами на фоне инфекционной патологии. //Материалы международной научно-практической конференции, посвященной памяти ученого С. Э. Кубаева. //Журнал Стоматологии и краниофациальных исследований Самарканд. 2022; 336-340.
30. Jalilova D.Z. Akhmedov A.A. Kuryazov.A.K., Epidemiology classification clinic and diagnosis of orbital fractures in blunt injury. //In Volume Issue 10 of Research Jet Journal of AnaLysis and Inventions (RJAI) October. 2022; P 351-356.
31. Kuryazov A.K. Abasniya S.R. The results of treatment apical periodontitis and generalized periodontitis. //Материалы международной научно-практической конференции, посвященной памяти ученого С. Э. Кубаева. //Журнал Стоматологии и краниофациальных исследований Самарканд. 2023; С. 122.
32. B.S.Yuldoshev. O.F. Kuryazov A.K. Khodzhimuratov . R.X. Karimov. Occurrence of clinical palate and lip defect with facial anomalies in Khorazm region //In volume 3, Issue 11 of International Bulletin of Medical Sciences and Clinical Research. 2023; P.80-85. (IF 8,2).
33. Kuryazov A.K., Kuryazov Sh.A., Iskandarova A.I. Parodontal disease and oral mucosa among pregnant women living in various environmental conditions. // International Journal of health systems and medical sciences. 2024;3:117-119. (IF.-10.87)
34. Kuryazov A.K., Kuryazov Sh.A., Iskandarova A.I. Dental caries among pregnant women living in various environmental conditions in Uzbekistan. //Valeology: International Journal of medical anthropology and bioethics. 2024;2:6-9.
35. Kuryazov A.K., Kuryazov Sh.A., Iskandarova A.I. Immunological effectiveness of immune-and biocorrective treatment of dental diseases in pregnant women. //Central Asian Journal of medical and natural sciences. 2024;5:347-350.
36. Курыззов А.К., Суванов К.Ж., Рустамова Х.Е. Особенности лечения и профилактики стоматологических заболеваний у беременных. //Методические рекомендации. – Ургенч. 2010; 15 с.
37. Курыззов А.К. Фертил ёшидаги аёлларда ортопедик стоматологик саломатликни баҳолаш усули //Услубий тавсиянома. - Бухоро. 2023; 18 б.
38. Курыззов А.К. Фертил ёшидаги аёлларда оғиз бўшлиғидаги клиник ва функционал ўзгаришлар ҳамда стоматологик касалликлар ўрганганлик даражаси. //Услубий тавсиянома. Бухоро. 2023; 20 б.
39. Курыззов А.К. Фертил ёшидаги аёлларда ортопедик статуснинг ёшга боғлиқ қийсий кўрсаткичларини ўрганганлик даражаси ва профилактикаси усули //Услубий тавсиянома. Бухоро. 2024; 18 б.

Қабул қилинган сана 20.08.2024

